

**ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ АЛОҚАЛАРДА БУХОРО ВИЛОЯТНИНГ  
САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИШТИРОКИ  
(2015-2021 ЙИЛЛАР МИСОЛИДА)**

**ТУЙЕВ ФАЗЛИДДИН ЭРКИНОВИЧ**

**Бухоро давлат университетининг**

**Педагогика институти**

**Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси**

**<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184094>**

2015 йил январь-декабрь ойларида саноат маҳсулоти ҳажми 4749,5 млрд. сўмни ёки ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,0 фоизни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги П.Ф 4707-сонли фармонида асосан дастур доирасида 2015-2019 йилларда амалга оширилган лойиҳа бўйича Бухоро вилоятида 41 та лойиҳани амалга ошириш учун, 1181,2 минг АҚШ доллари сарфланган. Шундан, тўқимачилик саноати корхоналари учун 191 минг АҚШ доллар сарфланиб қўшимча 9 та тўқимачилик корхонаси ишга туширилган. Ушбу лойиҳа вилоятда оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан банд аёллар сонининг ўзгаришига олиб келган. 2019 йилда 2016 йилга нисбатан Бухоро вилоятида аёлларнинг иш билан таъминланиши 4 баробарга ошганлиги аниқланди. Бухоро вилоятининг иқтисодий ривожланганлик даражаси ўрта ривожланган вилоятлар қаторига киради. Вилоят аҳолиси жон бошига саноат ҳудудий маҳсулотлари индекси 0,77, капиталга инвестициялар 0,91, хорижий инвестициялар 1,06, ялпи маҳсулот индекси 0,92 жами аҳоли жон бошига интеграл индекслар 3,66 фоизни ташкил этган. 2019 йилда кичик тадбиркорликнинг иқтисодий фаолияти турлари бўйича Бухоро вилояти саноат соҳасида 32,3 фоиз, қурилишда 86,4 фоиз, хизматлар 70,1 фоиз, инвестиция 50,7 фоизни ташкил қилган. 2016-2019 йилларда Бухоро вилояти қишлоқ ҳудудларида оилавий тадбиркорлик корхоналарида иш билан банд бўлган аёллар сонининг ижобий томонга ўзгариши йилдан йилга ўсиб борган. Қуйидаги жадвалда 2016-2019 йилларда Бухоро вилоятида ушбу ҳолатни Республикадаги умумий ҳолат орқали кўриш мумкин.

**Жадвалга№1. (минг киши).**

	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019 йилда 2016 йилга
Республика бўйича жами, жумладан.	1,79288	2,72669	3,08360	7,10484	531,196
Бухоро вилоятида	135,5	202,3	244,9	546,4	410,9

Таъкидлаш жоизки, органик чиқиндилардан фойдаланиб, энергия ва ўғит ишлаб чиқаришни ривожлантириш, экспорт, лойиҳалаштириш, қуриш, эксплуатация қилиш ва электр энергиясини Ўзбекистон энергетика тизими операторига белгиланган тарифда сотиш (жумладан, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа вилоятлардаги усулларда кластер фаолияти) ва биоўғит экспортини ташкил этиш кабиларга эътибор кучайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятида бўлиб ўтган ташрифи давомида саноатни замонавий жиҳозлар асосида ривожланеириш мақсадида “Гиждвуон” ЭИЗ, “Бухоро шаҳар”, “Когон шаҳар” ва “Когон тумани” кичик саноат зоналари, шунингдек вилоятдаги 100 дан ортик бўш турган объектлар негизида хорижий инвестициялар иштирокида лойиҳалар амалга ошириш вазифалари илгари сурилди.

Шу билан биргаликда, мазкур ташрифда вилоятнинг Пешку туманида ўтказилаган кенгайтирилган йиғилиш Баёнининг 63 ва 130 бандларига асосан вилоят ҳокими бошчилигидаги делегациянинг бир қатор хорижий мамлакатларга ташрифини амалга ошириш бўйича топшириқлар берилган. Ушбу топшириқларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокими бошчилигидаги Бухоро вилояти делегацияси 2018 йилнинг 12-14 март кунлари Корея Республикасига ҳамда 15-17 март кунлари Хитой Халк Республикасига ташрифлари амалга оширилди.

2018 йилнинг 12-18 март кунлари Республика Президентининг Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича топшириқлари ижроси доирасида Ташқи ишлар вазирлигининг Бухоро шаҳри бўйича бўлим бошлиғи, вилоят ҳокими бир қатор хорижий инвестициялари ҳисобидан вилоят саноатини ривожлантириш ишларни амалга оширди. 2018 йилда Жанубий Кореяга ташриф якунлари бўйича қабул қилувчи давлат ишбилармон доиралари вакиллари металл

конструкциялар, плёнкалар, чодирлар, вентиляция тизимлари, двигателлар, пластмасса қувурлар ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш орқали 14,4 миллион АҚШ долларида орти сармоя киритишга тайёр эканликларини билдиргандилар.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ПҚ-2687-сон Қарори ижроси доирасида айнан ушбу ҳудудда “БСТ Слустер” хориж корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун 123,1 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестиция йўналтирилиб, тикув-трикотаж фабрикалари ташкил этилиши ишлари бошлаб юборилди.

Ўзбекистоннинг Республикасининг жанубдаги чигарадош Туркменистон давлати билан ташқи алоқарарида Бухоро вилоятининг ўрни беқиёс. Республика жанубий йўналишида Бухоро-Туркменистон-БандарАббос (Эрон) орқали Яқин Шарқ ва Форс кўрфази мамлакатларига чиқиш имконияти мавжуд шу туфайли ҳам Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган саноат корхоналарига шу сабабли бир қатор имкониятлар мавжуд. Иккинчи тамондан Бухоро вилояти халқаро бизнес ҳудудий марказлари сифатида юқори салиҳатга эга. Шу билан бирга вилоят ер ости бойликларига бой; нефт, табиий газ конлари, қора ва рангли металлургия учун зарур рудали ва рудасиз қазилма конлари, чинни ва керамика хомашёси, бентонит тупроғи ва глауконит захиралари ва бошқалар. Бухоро вилоятининг етакчи тармоқлари ва потенциал инвестиция тақлифлар кўпроқ нефт ва газ, тўқимачилик, қурилиш материаллари, вилоятда мавжуд, етакчи ва илғор тармоғлари бўлиб ҳисобланади. Вилоятга хорижий инвестициялар киритилиши мўлжалланган устувор тармоқлар эса тўқимачилик, қурилиш материаллари бўлиб ҳисобланади.

2019 йил 1 январ ҳолатига фаолият юритаётган саноат корхоналари жаъми: 2625 тани, 2020 йил 1 январ ҳолатида 3588 тани ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январ ҳолатига эса 4381 тани ташкил этганди. Шундан, 36 та йирик корхоналар, 4345 та кичик корхона ва микрофирмалар, шу жумладан 124 та хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият юритди.

2020 йилда вилоят корхоналари томонидан жами 17574,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 2019 йилга нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоизни ташкил этди. Жаъми: саноат масулотлари ишлаб чиқариш ҳажмидан йирик саноат корхоналари улуши 64,8 фоизни (11403,5 млрд. сўм), кичик корхона ва микрофирмалар улуши 22,0 фоизни

(3858,2 млрд. сўм), якка тартибдаги меҳнат фаолияти 13,2 фоизни (2312,7 млрд. сўм) ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибидан 6439,2 млрд. сўми ҳудудий корхоналар ҳисобига тўри келди.

2019 йил 22-25 январ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (16.01.2019 й. 05.01.1524 -сон ва вилоят ҳокимлигининг 22.01.2019 й. 1/273-16-сон) қарорлари билан тасдиқланган дастурларга мувофиқ.), Афғонистон ишбилармон доираларини минтақа ишбилармон доиралари ва саноат компаниялари вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш ва таништиришда ёрдам кўрсатилганди. 2019 йил 9-11 июл Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 19.06.2019 йилдаги 03-1/25774-сон мурожаатига мувофиқ Австрия Савдо вакилининг қароргоҳи Алмати шаҳрида бўлган сафари ва учрашувларини ташкил этишда ёрдам кўрсатилганди. Р. Талер Сафар доирасида вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ва Бухоро вилояти ишбилармон аёллар уюшмаси вакиллари билан учрашди қўшма тадбиркорликни амалга ошириш масалалари бўйича инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинганди. Сафар давомида Р.Талер “Бухоро-кнауф Гипс” МЧЖ ва “Букара Агро” ЭИЗ фаолияти билан ҳам яқиндан танишганди.

2019 йил 15-16 июл ШХТ Бош котиби В. Норов ҳамроҳлигида Хитойнинг хориждаги корхоналарни ривожлантириш ассотциацияси (СОДА) Бош котиби Хэ Чжэньвей бошчилигидаги Хитой ишбилармон доиралари делегатциясининг ташрифи ташкил этилди. Ташриф доирасида Хитой делегатциясининг вилоят ҳокими (2019 йил 15-16 июл Ў. Барнойев.) билан учрашуви ҳамда Ўзбекистонлик ва Хитойлик тадбиркорлар иштирокида бизнес-форум ташкил этилганди.

2019 йил 28 август Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 13.08.2019 йилдаги 09/34727-сон мурожаатига асосан. Венгриянинг Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик миссияси маслаҳатчиси Ж. Ваникнинг Бухоро шаҳрига саёҳати ташкил этилганди. Сафар давомида дипломатик миссия вакили ва вилоят ҳокими ўринбосари ўртасида учрашув ташкил этилди, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Шу муҳокама сабабли Венгриянинг бир гуруҳ тадбиркорлари Бухоро вилоятига ташриф буюриб вилоят тадбиркорлари билан келишган ҳолда янги саноат корхоналари, тикув сеҳлари очилган.

Ўзбекистон Республикасининг Ерондаги элчихонаси билан биргаликда Бухоро вилояти ҳокимлиги рабарияти, “Парвоз Ҳумо Равнак Транс” МЧЖ ва Ероннинг “Алборз Энергй Тадрир СО.Лтд” компаниялари ходимлари

иштирокида. 8-июн, 2020 йил Бухоро вилоятида тўқимачилик масулоти ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонаси билан биргаликда 2020 йил 20-ноябрь куни ташкил этилган “Ипак шаҳарлари ва метрополитанлари халқаро тармоғи”нинг навбатдаги йиғилишида Бухоро шаҳар ҳокимлиги вакиллари ва ипакчиларнинг иштироки масаласи кўриб чиқилган. 2020 йил видеоконференсия форматида ишлаб чиқилди. Тадбирда Бухоро вилоятининг туризм салоҳияти, Бухоро шаридаги ипакчилик саноати ҳақида маълумотлар берилганди.

Ўзбекистон Республикасининг Анқарадаги элчихонаси билан биргаликда Туркиянинг «Loher Lift Asansor ve Yuruyen Merdiven Sanayi ve Ticaret Anonim Sirketi» компаниясидан «Karvon Shopping Center home Market». МЧЖ авария ҳолатидаги 30 минг АҚШ долларини қайтариш масаласи кўриб чиқилганди. Корхоналар ўртасида 25.07.2021 йилдаги 20190176-сонли шартнома иловасида кўрсатилганларни қайтариш бўйича келишувга эришилган. Товарлар етказиб бериш орқали нақд пул олинган. 2021 йил 22-23 январь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамасининг (21.01.2021 йил 22-ф) фармойишига мувофиқ Саудия Арабистони Подшоҳлиги Инвестициялар вазири Холид бошчилигидаги делегациянинг ташрифи чоғида Абдулазиз Ал-Фали Бухоро вилоятида бўлиб. Ташриф давомида икки давлат ишбилармон доиралари ўртасида ишбилармонлик учрашувлари ўтказилди, Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Пешкў туманларида шамол электр станцияларини куриш бўйича келишувларга эришилганди.

2021 йил 28 февралдан 2 мартгача Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2021 йил 14 февралдаги 03/4926-сонли мурожаатига мувофиқ Бангладешнинг Тошкентдаги элчиси Жаҳонгир Аламнинг Бухоро вилоятига ташриф давомида элчининг Бухоро вилояти ҳокими ва турли йўналишдаги тадбиркорлар билан учрашувлари ташкил этилди. Бухоро вилоятининг тўқимачилик ва туризм саноатига бенгалиялик мутахассисларни жалб этиш масалалари муҳокама қилинди.

2021 йил 30-31 март Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг (10.03.2021 йилдаги 10/8125-сон) мурожаатига мувофиқ, Европарламентнинг Марказий давлатлар билан алоқалар бўйича делегацияси раҳбарининг учрашуви, Осиё ва Манголия, Ф.Мартушелло Бухоро вилояти ҳокими билан учрашувда Италия сармоядор компанияларини Бухоро вилоятига жалб этиш, Ўзбекистонда ишлаб

чиқарилган маҳсулотларни Европа Иттифоқи мамлакатларига экспорт қилиш истиқболлари муҳокама қилинганди.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналари томонидан 2021 йил январ-декабр ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 707,7 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат масулотлари ажмининг 3,4 фоизни ташкил этди. Тоғ-кон саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича 2020 йилнинг тегишли даврига нисбатан тоғ-кон саноати соҳасидаги техник хизматлар 2,8 фоизга кўпайган, тоғ-кон саноати билан боғли бошқа фаолият 0,6 фоизга камайган. 2021 йил январ-декабр ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 19514,2 млрд. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 93,7 фоизни ташкил этди.

Бухоро вилоятида саноат корхоналарини модернизатция қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар худудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилганди. Бухоро вилояти саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Қоровулбозор тумани (вилоят саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 41,3 фоиз улуши), Бухоро шаҳри (13,1 фоиз), Ёиждувон тумани (8,0 фоиз), Ромитан тумани (5,4 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон республикаси давлат статистика қўмитаси. Бухоро вилояти статистика бошқармаси. Бухоро вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. 2015 йил январь-декабрь. Бухоро – 2016 й.: С-28.
2. Бобаназарова Ж.Х. Саитов С.А. Тадбиркорликнинг ривожланиши камбағалликни қисқартириш воситалари сифатида. С-368.
3. Салимов Б.Т. Б.Б. Салимов. Кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантириш. С-606. Ўзбекистонда ривожлантириш истиқболлари ва жаҳон амалиёти. Халқаро илмий-амалий онлайн конференция. Т.: 2020 йил, С-980.
4. Шадиметов Камалжан. Ўзбекистонда биоэнергетиканинг инновацион ривожланиши. Тошкент – 2020 й.. С-36.
5. Бухоро вилояти ҳокимлиги жорий архиви. Март ойи учун чиқув хати ҳужжатлар жилд №1. 1/958-9, 2018.01.03.,// 6/1000,2018.02.03., қаранг.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири А. Ариповга вилоят ҳокимлигининг жавоб хати., 2018.01.03., № 1/958-9.

7. O'zbekiston Respublikasi tashqi ishlar vazirligi Buxoro viloyat hududiy bo'linmasi joriy arxivi.
8. X.C. Asatullaev, B.O. Tursunov, M.A. Mamanzarov. Korxonalarни rivojlanishi strategiyasi. Toshkent-2019 й.. С-520.
9. O'zbekiston respublikasi davlat statistika qo'mitasi. Buxoro viloyati statistika boshqarmasi. Buxoro viloyatining 2018-2020 yillarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish holati to'g'risida. Axborotnoma. Buxoro – 2021 yil. С-140.
10. O'zbekiston respublikasi davlat statistika qo'mitasi buxoro viloyati statistika boshqarmasi. Buxoro viloyatining statistik Axborotnomasi. 2021 yil yanvar-dekabr, Buxoro - 2022 yil, С-169.
11. ХАЙЕТОВ, Шадмон Ахмадович, and Фазлиддин Эркинович ТУЙЕВ. "ДАННЫЕ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ 1897 ГОДА, ЯВЛЯЮЩИЕСЯ ИСТОЧНИКОМ ИЗУЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ, СОЦИАЛЬНОГО УСТРОЙСТВА И ЗАНЯТИЙ ТУРКЕСТАНА." Актуальные исследования 24 (2021): 26-30.
12. Erkinovich, Tuyev Fazliddin. "BUKHARA'S PARTICIPATION IN PUBLIC DIPLOMACY IN COOPERATION WITH FOREIGN COUNTRIES THROUGH UNIFIED CITIES." INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876 16.5 (2022): 131-132.
13. ERKINOVICH, TUYEV FAZLIDDIN. "FACTORS OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT IN BUKHARA REGION IN 1991-1995 AND THE ISSUE OF PARTICIPATION IN FOREIGN RELATIONS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.05 (2022): 256-258.
14. Sobirovich T. B. The implementation of human indicator reforms in Uzbekistan //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – Т. 10. – №. 9. – С. 197-202.
15. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal
16. Turdiyev B. S. The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 6. – С. 229-233.
17. Sobirovich T. B. Strategy of Renewal of National Spirituality of Uzbekistan //International Journal on Integrated Education. – 2020. – Т. 3. – №. 8. – С. 122-126.

18. Sobirovich T. B. The criterion of human indicators in development and renewals in Uzbekistan //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2020. – T. 6. – №. 8. – C. 509-511.
19. Sobirovich T. B. Evolution of ideas and views on the development of democratic society and spiritual renewals //Scientific Bulletin of Namangan State University. – №. 10. – C. 243-250.
20. Sobirovich T. B. Philosophical Dialectics of National and Universal Cultural Development //Irish Interdisciplinary Journal of Science & Research (IIJSR). – 2021.
21. Sobirovich T. B. National Principles of Democracy in Uzbekistan //Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). – 2021. – T. 5. – №. 3. – C. 131-135.
22. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 203-207.